



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 223 (10.026)

2003 ЙИЛ 17 НОЯБРЬ

Пойтахтнинг бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА Сўзларда

• **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Зулфияхоним қизлари» танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• **ЭРТАГА** Ҳамза туманида «Саводли истеъмолчи — ҳамisha ҳақ» мавзuida семинар йиғилиш ўтказилади. Тадбир Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилмокда.

• **ЭРТАГА** «Интерконтинентал» меҳмонхонасида истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш технологиялари ва жиҳозлари саккизинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказида субтропик ўсимликларни кўпайтиришга янада катта аҳамият бериш мақсадида хорижий мутахассислар билан ҳамкорликни кучайтириш зарур эканлиги ўсимликшунос олимлар иштирокидаги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



Республика байналмилад маданият марказида 16 ноябрь - Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб «Ўзбекистон Конституцияси ва этник бағрикенглик - жамиятда фуқаролар тотувлигининг кафолати» мавзuida анжуман бўлиб ўтди. Тадбир мазкур марказнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети, Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

БАҒРИКЕНГЛИК — БИРДАМЛИК КАФОЛАТИ

Унда сўзга чиққанлар юртимизнинг асрлар мобайнида бағрикенг дийр сифатида ном қозонганини таъкидлади. Тарихий илдизлари аҳиллик, биродарлик, меҳмондўстлик билан йўғрилган халқимиз азалдан турли миллат вакиллари билан доим иноқликда яшаб, уларнинг маданиятига ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиб келган.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг манфаати, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улкан мақсадларини ўзида мужассам этади. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун юрт тинч ва осойишта бўлиши лозим. Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик эса ана шу барқорорликнинг муҳим шартларидандир. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидан юртимизда миллатлараро муносабатларда бағрикенглик, аҳиллик ва тинчлик-тотувликни янада мустаҳкамлашга катта аҳамият қаратилиб келинади. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилган узоқни кўзловчи оқилона сиёсат жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари, жумладан, ЮНЕСКО томонидан кўп бор эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эса миллатлараро аҳиллик, тотувлик, бағрикенгликнинг ҳуқуқий асоси

сифатида дунёнинг йирик олим ва экспертлари томонидан тан олингани эътиборга лойиқ.

Анжуманда қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 130 дан ортиқ миллий-маданий марказнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда Республика байналмилад маданият марказининг ўрни ва аҳамияти катта. Заминимизда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашга хизмат қилувчи миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш учун барча шароит яратилган.

Тадбирда миллатлараро ва диний бағрикенглик тамойиллари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, диний идоралар зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов сўзга чиқди.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.
ЎЗА

XXI сағоси

Барча маълумотлардан
олинган сўзгаги хабарлар

Мамлакатимизда

• Олий Мажлисда «Парламент кўмиталарининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги» мавзuida доир давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жумладан, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам, шунингдек, Германия, Франция ва Буюк Британиядан келган экспертлар иштирок этишди.

• Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг йиғилишида Олий Мажлиснинг бўлажак XIII сессияси кун тартибидан ўрин олган масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси, «Давлат тили ҳақидаги Коунининг Сурхондарё вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

• Самарқанд вилояти деҳқонлари 235 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди.

• Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси «Орол муаммоси — эл муаммоси» мавзuida танлов эълон қилди. Танлов голиблари Наврўз байрами арафасида эълон қилинади.

• Қарийб 200 километрга чўзиладиган «Тошгузар — Кумкўрғон» темир йўлининг Кумкўрғон қисмида бир километрлик узунликда янги рельс ётқизилди.

Жаҳонда

• Бугун Калифорния штатида янги губернатор Арнольд Шварценеггернинг инаугурация маросими бўлиб ўтади. Машвур кино юлдузи эндиликда санъат соҳасини тарқ этиб сиёсий фаолият билан жиҳдий шугулланишини билдирган.

• Туркияда йирик террорчилик ҳаракати содир этилди. Истанбулда амалга оширилган иккита портлаш натижасида 23 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 дан ортиқроқ кишилар жароҳатланди.

• «Дунё гўзали» кўрик-танловида АҚШда истиқомат қилувчи Афғонистон вакили Вида Самадзаи алоҳида муқофотга сазовор бўлди. Тадбир ташкилотчилари афғон аёлларининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини қўллаб-қувватлади.

БОШ МЕЗОН — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмокда. Соҳада кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда мавжудлари таомиллаштирилмокда. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликнинг либераллаштирилиши, судларнинг ихтисослаштирилиши, апелляция суди инстанцияси, ярашув ва бошқа қатор демократик ҳуқуқий институтлар ҳамда мустаҳкам ижро механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг ўрни ва моҳияти: назария ва амалиёт» мавзuida илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳмадов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, Ички ишлар вазирлиги тергов Бош бошқармаси бошлиғи А.Шарафиддинов ва бошқалар

инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга садоқат ўз ифодасини топган қонунларимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, бугунги кунда прокуратура жиноий жавобгарликка тортувчи ёки «кораловчи» органдан фуқаро ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

қилувчи органга айланмокда.

Янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга кўра, прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилди. Қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимояси эндиликда улар фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонлари сифатида белгиланди.

Анжуманда аҳолининг, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини янги сифат даражасига кўтариш устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Беҳзод НОРБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Маъриф КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

Республика тиббиёт коллежиди «Нола» бадиий-хаваскорлик ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган бадиий композиция яқинда сахнага олиб чиқилди.

Ўзбек мумтоз шоирлари асарлари асосида кўрсатилган бу томошада иқтидорли ўқувчиларнинг ижрочилик маҳорати ёрқин намойён бўлди. Ушбу сахна кўриниши билим даргоҳига меҳмон бўлиб келган шоир ва ёзувчиларга ҳам манзур бўлди.

Ана шу томоша муносабати билан уюштирилган давра суҳбатиди шоирлардан Азим Суён, Сирожиддин Саййид ва бошқалар қоллеж ўқувчилари билан мулоқотда бўлди. Улар янги ижодий режалари ҳақида ҳам сўзлаб бердилар.

ДАВР ТАЛАБИГА МОС

Республикаимиз умумтаълим мактабларининг юқори синфлари учун қатор янги дарсликлар чоп этилди. Унинг синф «Она тили» дарслиги ҳам ўқувчиларга тақдим қилинди.

Давлат таълим стандарти ҳамда давлат дастури талаблари асосида босмага тайёрланган мазкур ўқув адабиётида ўқувчиларнинг боғлиқлиги оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга оид амалиёт машқ намуналарига ҳам кенг ўрин берилди. Расмий ҳужжатларни туза билиш, консепт ва рефератлар ёзиш қоида ва тартиблари ҳам ўқувчиларга ёзма нутқ маданиятини оширишга ёрдам беради.

МАЪРИФИЙ ИШЛАР БИЛАН ШУГУЛЛАНАДИ

Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида кутубхона» мавзусидаги халқаро анжуман доирасида қатор маърифий янгиликлар юзага келди. «Ўқув-ахборот ресурс маркази»нинг ташкил этилиши ҳам айтилди.

Республика илмий педагогика кутубхонасида очилган бу марказ мактаб кутубхоначилигини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ маърифий ишлар билан яқиндан шугулланади.

Кутубхона ишини фаолаштирувчи семинар-тренингларни ўтказиш орқали мактабларда янги ахборот технологияларини қўллашга ҳам катта аҳамият берилди.

Акбар АЛИЕВ

Демократия мактаби

Мен кейинги вақтда кўп маҳаллар ҳаёти ва фаолияти билан танишдим. Уларнинг иш тажрибаларини республика, вилоят ва шаҳар газеталарида баҳоли қудрат ёритдим. «Тошкент оқшоми» газетасида босилган Маҳмуд Комилжоновнинг «Бугунги оқсоқол. У қандай фазилятларга эга бўлмоғи лозим?» номли мақоласини ўқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларимни умумий тарзда эмас, аниқ ҳолда қозоғга туширишга ҳаракат қилдим.

Бугунги маҳалла оқсоқоли олдида турган вазифаларни икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси, кўзга кўриниб турадиган ишлар. Бу маҳалланинг ободончилиги: тadbirkorлар ва хомийлар иштирокида маҳалла гузарини (агар гузар бўлмаса), спорт иншоотларини, маиший объектларни бунёд этиш.

Маҳалла қўмитаси таркибига кирувчи, қўйи бугун ҳисобланувчи кўча бошилар бошчилигида маҳалладаги ҳар бир кўчада вақти-вақти билан шанбаликлар ташкил этиш, мевали дарахт қўчаларини экиш бир сўз билан айтганда орасталик ва ободонлаштириш ишлари билан шугулланиш. Ҳозир кўп жойларда кишилар ўз уйлари олдидаги кўчага бетон қўйиб, темир панжара ўрнатиб, ўраб олишяпти. Йўлакни тўсиб қўйишяпти. Қўшнлар «бундай қилмагин» деса уларга қулоқ солишмайди. Мактаб ўқувчилари, болаларини боғчага олиб борувчилар кўчанинг транспорт қатнайдиган қисмидан юришга мажбур бўлишмоқда. Бундай масалалар ҳам албатта оқсоқол бошчилигида ҳал этилиши керак.

Маҳаллада маиший хизмат объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда буюмлар савдоси дўконлари аҳолига қониқарли хизмат кўрсатишини, маҳаллани шаҳар маркази билан боғлайдиган транспорт қатновини доимо оқсоқол ўз маслаҳатчилари билан биргаликда назорат қилиб бориши керак.

Оқсоқол олдида турган ишларнинг кўзга кўринмайдиган қисми—маҳаллада-

ги қариялар, ногиронлар, қаровчиси бўлмаган кишиларни қадрлаш лозим. 80 ёшдан ошган кексаларни ҳар йили туғилган куни билан оқсоқолнинг Ўзи табрикласа нур устига аъло нур бўлади. Шу гўшада меҳр-оқибат ривожланади. Кам таъминланган оилаларга ёрдам

ОҚСОҚОЛ ЭЛ ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛСИН



уюштириши, ёшлар тарбияси билан жиддий шугулланиши зарур. Ёшларнинг турли оқимларга қўшилиб кетишига сира ҳам йўл қўймаслик, бу масалада педагог-тарбиячи ва профилатика инспекторининг тинмай ишлашини таъминлаш керак.

Оқсоқолнинг маҳалла билан мактаб ўртасида самарали алоқа ўрнатиши ҳам муҳим аҳамиятга молик масаладир. Масалан, 2003 йили февралда Республика Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жағмармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг аънаванвий уюмлари, таъзия маъракалари ва бошқа миллий маросимларни ихчам ва тежамкорлик билан ўтказиш тўғрисида тавсиялар матбуотда эълон қилинди. Бу тавсиялар маҳаллалардаги мажлисларда муҳокама қилинди. Бундай мажлисларда баъзи маҳалла ҳудудидаги мактаб вакиллари (директор ёки илмий бўлим мудирини, педагоглар) иштирок этмади. Уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ҳам бугунги куннинг муҳим вазифалари сирасига қиради.

Маҳалла оқсоқоли шу маҳалладаги намунали оиланинг бошлиғи бўлиши керак. Болаларини яхши тарбиялаётган бўлиши лозим. Узининг боласини сўзига киргиза олмаган ота ёки она оқсоқол бўлса, қандай қилиб, маҳалланинг болаларига сўзини ўтказди? Маҳалла оқсоқолининг яна бир яхши фазиляти фуқаролар дардини тинглаш, йиғинларда одамларнинг гапини эшитиб, одилонга, ишончли хулоса чиқара олишидир. Одамлар ишончини қозониши меҳрибон ва талабчан бўлиши жуда муҳим. Бугунги оқсоқол соғлом турмуш тарзини тушуниши, саломатлик гарови бўлган спортга қизиқиши лозим.

Маҳалла оқсоқоли кибр-хаволи бўлмасин. Барчага баробар бўлсин. Оқсоқол тўйларда, дафн маросимларида бошқоқ бўлиб туриши, уни камчиқим ўтказишда зарур маслаҳатни бера билиши керак. Уй ағаси шошиб қолганда, оқсоқол ва маҳалла фаоллари унинг жонига оро кириши лозим. Баъзан учраганидек, бу нарсани «оқсоқолдан сўрайлик» дейилганида «у киши бунақа жойга келмайди». Унинг иши кўп» қабилдаги гапларга ўрин қолмаслиги керак. Ҳозир маҳалла оқсоқоли маошини тўлиқ олади. Бу имтиёз оқсоқол ишининг мураккаблигини ҳар томонлама ҳисобга олиб берилган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, давр тежамкорлик, барча масалалар ечимини чуқур мушоҳада билан ҳал қилиш масалаларини қўймоқда. Шу жиҳатдан олганда оқсоқоллар зукко, олий маълумотли, серғайрат ва тadbirkor ёшлардан кўпроқ сайланса, бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида шу масалага муҳим эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундай экан, маҳалла оқсоқоли сайланаётганда барча жиҳатларга эътибор қаратилиши «етти ўлчаб, бир кесилиши» керак.

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист.

ҒАЙРАТЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР САЙЛАНДИ

Айни кунларда бутун республикаимизда, хусусан шаҳримизда ҳам ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар кўтаринки руҳ, очик ва ошқора тарзда бўлиб ўтмоқда. Жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот сайловларини кузатар экансиз, уларнинг жамият ва давлатимиз ҳаётидаги жуда муҳим жараён эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки сайловлар бошлангунга қадар бўлган тайёргарлик, туман кўмаклашув комиссиялари, ишчи гуруҳининг самарали олиб борган юмушлари, маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга кириб бориш, сайловнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунириш қанчалик фойдали бўлганлигини фуқароларимизнинг яқдиллик билан сайловда иштирок этиб, маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда кўрсатаётган фаоллигидан сезиш мумкин.

Кунни кеча Бектемир туманидаги «Астробол» гузарига ҳам очик, ошқора тарзда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Тумандаги «Истикбол» маҳалласининг 74 вакили, 72 қатнашчиси, 48 нафар таклиф этилган меҳмонлар иштирокида ўтказилган сайловда маҳалла оқсоқоли Абдуманноп Абдуганиев 2,5 йил мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган юмушлар, Обод маҳалла йили муносабати билан халқимизнинг урф-одатлари, маданий мероси, миллий қадриятларини тиклаш йўлидаги қилинган ишлар тўғрисида ҳисоб берди.

— Маҳаллаимизни ободонлаштириш, озода, гулу чечаклар яшнаб турган масканга айлантириш учун 2003 йилнинг ўзида 770 та терак, 250 та мевали, 250 та манзарали, 300 та атиргул, 5.000 та бир йиллик турфа гуллар экилди. 20а, 40/2, 30а, 31а, 33а уйлари бориладиган йўллар таъмирланиб асфальт ётқизилди.

Чуминий кўчасига сув қувурлари ўтказилиб фавворалар ишга туширилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Қўйлиқ бозоридан «Отайўл» автобусларининг маҳаллага қатнови йўлга қўйилди, — деди жумладан ўз ҳисоботида оқсоқол. — Камхарж оилаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам тўғрисида гапирадиган бўлсак, 2,5 ёшгача ёш боласи бор 50 та оилга 4.838.88 сўм, 18 ёшгача болалари бўлган 101 та оилга 3.136.794 сўм, кам таъминланган 124 та оилга 2.824.998 сўм кўмак берилди. Ишсизлар рўйхатида турган 28 нафар маҳалладашимиз туман меҳнат бўлими билан ҳамкорлигимиз сабаб ишга жойлашди.

Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Амалга оширилиш навбатини кутиб турган ишларимиз ҳам бор. Улардан бири 1, 2, 3-уйлар атрофи асфальтланиши, кўчаларни ёритиш бўйича аниқ ишларни

қилиш лозим.


Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси Султон Бўриевнинг ҳисоботи ҳам тингланди.

Ушбу иккала ҳисобот юзасидан Рустам Магиев, Виталий Дубовик, Валентина Кармелина каби маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар жумладан, маҳаллада ечимини топиши лозим бўлган масалалар ҳам борлиги, тафтиш комиссиясининг ишини янада жонлантириш, маҳалла ишига ёшларни ҳам кенгроқ жалб этиш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Сайловчилар қизгин баҳс-мунозара, ҳолис таклиф ва истаклар асосида, очик овоз бериш йўли билан бир овоздан Абдуманноп Абдуганиевни маҳалла оқсоқоли лавозимига сайладилар. 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси ва 15 кишидан таркиб топган оқсоқолнинг маслаҳатчилари ҳам халқ хоҳиш-иродаси, ўз ичига ғайратли, ёш фаолларни жамлаган ҳолда сайланди.

Маслаҳатчилар сафига қўшилган «Камолот» ЁИХи фаоли Камола Мустафоқулова билан суҳбатлашиб кўнглимиз кўтарилди. «Бугун жуда ҳаяжонданан, — дейди Камола. — Менга ишонч билдиришган экан, албатта уни ўзимнинг ҳаракатим, ёшлар билан ҳамкорликдаги маҳаллаимиз ободлиги, тинчлик-осойишталиги йўлидаги юмушларим билан оқлайман.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан

● Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Кориа мамлакат ҳукуматининг асосий таркиби шаклланиб бўлганини айтди. Вазирлар номзодлари парламентга маълум қилинди. Вазирларнинг деярли барчаси октябрь ойида Ёсир Арофат томонидан тузилган вазирлар маҳкамаси таркибига кирган эди.

● Исроил бош вазири Ариэл Шарон фаластинликлар билан келишувга тайёр эканлигини, бироқ у Исроилнинг хавфсизлигига раҳна солмаслигини айтди. Шунингдек у Фаластин мухториятида давом этаётган тартибсизликларга барҳам бериш зарурлигини таъкидлаган.

● Куни кеча Бағдода яна учта портлаш юз берди. АҚШ армияси матбуот котибининг таъкидлашича бир қанча автомашиналарнинг зарарланганлигини ҳисобга олмас, аҳоли жиддий талафот кўрмаган. Ушбу портлашнинг сабаби миёна эмас, балки қирувчи самолётлардан отиладиган ракета-таларидир. Ракеталарни нотўғри ташлаш оқибатида бу фожиа юзга келиши ҳам мумкин. Тафсилотлар ўрганилмоқда.

● Москва виллояти уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг маълумотига кўра Москва остонасида теракт уюштирилиши мумкин эди. Солнничногорск шаҳридаги Сенеско кўлининг дамбаси яқинидаги ДАН назоратчилари Грозний шаҳрида тузилган номаълум шахснинг автомашинасидан катта ҳажмдаги масофадан портлайдиган қўлбола қурилма топилди. Айтиш дамба жиноятчи сўроқ қилинмоқда.

● Американинг Иллинойс штати аэропорти яқинида учта катта бўлмаган шахсий самолёт ҳалокатга учраб, ёниб кетган. Самолёт бортида тўрт киши бўлган. Айтиш пайтда бу ҳаво кемаси қимга тегишлилиги аниқланмоқда.

● Нью-Йорк — Москва йўналишида учаётган Америка компаниясининг самолёти дафъатан Канаданинг Галифакс шаҳрига қўнишга мажбур бўлди. Бундай қалтис парвознинг сабабчиси тайёра ичида тўполон кўтарган йўловчи эди. Унинг спиртли ичимлик истеъмол қилишига стюардессалар монелик билдиришганди. Бир бутелика коньякдан ажралган, одамлар тинчлигини бузган йигит Канададан яна ўз юрти — АҚШга қайтариб юборилди. Энди уни суд ёхуд катта миқдордаги жарима кутмоқда.

● Амур дарёсининг муз билан қопланиши натижасида Хитойга саёхатга чиққан 400 нафар россиялик фуқаролар етти кундири, ўз юртига қайтиб келолмаяптилар.

Сўнги йилларда халқаро доирада «ислом терроризми» деган хато тушунчанинг юзга келгани турли оммавий ахборот воситаларида бир неча бор таъкидланди. Қатор хорижий давлатлар раҳбарлари ва йирик сиёсатшунослар ўз чиқишларида исломнинг терроризм билан алоқаси йўқлиги, ислом никоби остида террористик фаолият билан шуғулланганлар эса «онгсиз мутаассиб»лардан бошқа ҳеч ким эмаслигини қайд этишганди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 5-6 июнь кунлари Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида ўтказилган «Ислам ва дунёвий-маърифий давлат» мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман иштирокчиларига йўлланган табригида, жумладан, шундай дейилган: «Муқаддас ислом динини гаразли мақсадларда сиёсийлаштириб, ундан ҳокимият учун кураш, мафкуравий кураш сифатида фойдаланиш сингари салбий ҳолатларнинг кучайиб бораётгани бугун замон олдимизга қўяётган бундай оғир ва таҳликали муаммоларнинг ечимини топиш ҳаётий заруратга айланаётганидан далолат беради».

Афғонистондаги толибон тузуми ва «ал-Қоида» ташкилотига қарши уруш эълон қилган Америка Қўшма Штатлари «Биз исломга эмас, террорчиликка қарши курашамиз» деб, бу икки тушунчанинг алоҳида ишлатилиши зарурлиги ва уларни бирга қўллаш хато эканини қайд этган эди. Мудҳиш сентябрь воқеаларидан сўнг Саудия Арабистонидagi «Ислам фикҳ кенгаши» 2002 йил 5 январь куни ўзининг 16-конференциясида «Террорчилик, бу — бутун инсониятга қарши ҳурматсизлик белгисидир. Террорчилик хатти-ҳаракатлари ислом дини ақидаларига мос тушмайди ва исломнинг асл мақсадларидан бири — дунёда тинчлик ўрнатиш тушунчасига тамоман зидлиги билан ажралиб туради», — деб таъкидлаганди.

«Террор» сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратилса, у лотин тилидаги «tergere» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «қўрқитиш» деган маънони англатади. «Террорчи» эса «қўрқитувчи», замонавий тил билан айтганда, «террорчилик хатти-ҳаракатида иштирок этувчи шахс» тушунчасини билдиради.

«Терроризм» Буюк Британиянинг «Замонавий инглиз тили» луғатида «Мафкуравий ёки сиёсий сабаблар билан жамият ёки давлатларга қарши чиқиш мақсадида бир шахс ёки уюшган гуруҳ томонидан куч ишлатиш хатти-ҳаракатларининг ноқонуний амалга оширилиши ёки шу мақсадда тузилган режа» деб изоҳланган.

Ислам дунёдаги бошқа етакчи

динлар каби тинчлик, тотувлик ва бағрикенгликка даъват этади. Ислам дини ҳеч қачон одам ўлдиришни қўллаб-қувватламаган ва ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш тушунчасини илгари сурмаган. Аксинча ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтариш заруратини тарғиб этган. Аммо, баъзи оммавий ахборот воситаларининг «ислом» ва «террорчилик» тушунчаларини ёнма-ён ишлатиши кураш заминимизнинг турли чеккаларида ислом динига эътиқод қилувчилар томонидан катта эъти-

қилган Тошкент ислом университети фаолиятига юксак баҳо берган.

Дарҳақиқат, аҳолисининг 90 фоизидан зиёд қисмини мусулмонлар ташкил этадиган Ўзбекистон ҳам террорчилик муаммосига бефарқ қараётгани йўқ.

Президент Ислам Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида жаҳон ва минтақамизда диний соҳада рўй бераётган воқеаларни таҳлил қилар экан, «муқаддас ислом динимизни бузиб талқин қилаётган кимсалардан уни ҳимоя қилиш, исломнинг асл моҳияти эзгулик ва тинчлик эканини халқимизга етказиш» лозимлигига ургу берганди.

Ўзбекистон мусулмонлари

идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов эса ўтган йили Рамазони шариф муносабати билан мамлакатимиз мусулмонларига йўллаган табригида қуйидаги сўзларни келтирган: «**Ҳаниф ислом динини «бузғунчи исломчилар»дан асраш учун огоҳлик ва хушёрлик керак. Сўнги пайтларда ер юзидаги инсонлар осойишталигини бузиб, тинчликка раҳна солаётган диний мутаассибчиликдан ислом динини ҳимоя этиш барчамизнинг бурчимизга айланди.**»

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби ислом дунёсининг ажралмас қисмидир. Шундай экан, мустақилликдан сўнг юртимизда амалга оширилган ишлар ва диний эркинлик борасида қабул қилинган қарорлар диний қадриятларимизнинг қайтадан қарор топиши учун имкон яратди.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда барча динларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса бошқа динларни камситмаган ҳолда ислом динининг жамиятимиздаги мавқеини янада мустаҳкамлашга омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оздан ортиқ миллат ва 15 та турли конфессия вакиллари аҳил ҳаёт кечиришмоқда. Ўзбекистон қонунчилиги аҳолининг миллий-этниқ таркиби ва диний қарашларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаган ва ҳеч қайси миллат ёки дин вакилини камситишга йўл қўймаган. Ана шу хусусиятлар ва мамлакатимизда яшовчи халқларнинг қонида мавжуд бағрикенглик аёнанасти Ўзбекистондаги эътиқод эрки кафолатларининг бутун жаҳонга ўрناк бўларли даражада эканини исботлайди.

Авазбек БЕРДИҚУЛОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

исботидир.

Танловда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 302-мактаб ўқувчиси Акмал Раҳметов чизган плакат биринчи ўринга лойиқ топилди. Фолиб ва совриндорларнинг ижодий ишлари ЮНФ-Панинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида очилажак Жаҳон кўргазмасига юборилади.

ИСЛОМ ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИККА ДАЪВАТ ЭТАДИ

Дунёдаги барча етакчи динларнинг асл мақсади тинчлик, тотувликка қорлаш экани умумэтироф этилган далилдор. Аммо бугунги кунда террористик ташкилотлар ўз фаолиятларини дин никоби остида амалга оширишга уринмоқда.

розлар билдирилишига сабаб бўлди.

Масалан, АҚШда чоп этилган Майкл Сайлснинг «Ислам ва террорчилик» китобида мусулмонларнинг террорчиликка мойиллиги ҳақида гап боради. Интернет саҳифаларида турли дин вакилларининг шу каби фикр-мулоҳазалари ва бошқа дин вакилларига отилган тўхмат тошларига тўла мақолаларни тез-тез учратиш мумкин.

Умуман олганда, исломнинг террорчиликка айбланиши уни нотўғри англаш натижасидир. Америкалик профессор Отто Хелвег «Террорчилик ва дин» мақоласида террорчилик аслида насронийлар томонидан салб юриши даврида амалга оширилганини таъкидлайди. Туркиялик олим Хорун Яҳё «Агар дунё микёсида исломий таълим-тарбия тўғри йўлга қўйилса, турли оқимлар ва гуруҳлар юзга келишининг олди олинган бўларди», деган фикр билан ислом таълимига жиддий эътибор қаратиш ва яширин исломий мадрасаларга чек қўйиб, ислом динидаги ёш авлодга таълим олиш учун қулай шароитлар яратиш беришни таклиф қилади.

Хорун Яҳёнинг фикрича, ислом дини террорчиликнинг ўчоғи эмас, балки унинг ечими сифатида эътироф этилиши керак. «Қуръони Каримнинг ҳеч қайси ояти террорчиликка террорчилик, ёвузликка ёвузлик билан жавоб қайтаришга чақирмайди, аксинча, Қуръон ахиллик, биродарликка даъват қилувчи илоҳий китобдир», — деб ёзади Хорун Яҳё «Ислам — террорчилик ечими» номли мақоласида.

2002 йилда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида Тошкентда ўтказилган «Ислам ва бугунги жамият» мавзусидаги семинарда АҚШнинг Жоржтаун университети ислом дини масалалари бўйича кўмита раиси Имом Яҳё Ҳинди ҳам исломнинг софлигини сақлаб қолишда диний таълимга эътибор қаратишнинг ўрни нечоғли муҳим эканини таъкидлаган ва Ўзбекистонда

АКМАЛНИНГ ПЛАКАТИ НЬЮ-ЙОРККА БОРАДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси - ЮН-ФПА билан ҳамкорликда ташкил этган «Ўсмирлар репродуктив саломатлиги» мавзусидаги плакатлар танлови якунланди.

Айтиш жоизки, «Ўсмирлар репродуктив саломатлигини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш» лойиҳаси шу йилнинг август ойидан Самарқанд ва Хоразм вилоятларида амалга оширила бошланди. Лойиҳа ўсмир-

ларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва саломатлигини ҳимоялаш, бу борада уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ахборот олиш имконини янада кенгайтиришни кўзда тутати.

Лойиҳа доирасида ташкил этилган плакатлар танлови юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Танлов учун келиб тушган қўллаб ижодий ишлар бунинг ёрқин

Графиклар

Унинг илмий мероси — монографиялар, тадқиқот-мақоласи, тақризлари, дарсликлар учун битилган жажжи портретлари — нари борса икки жилдага ю бўлади. Вақт аталмиш ҳакам қанчадан-қанча тақдирларни, илм-ижод намуналарини унутилишга маҳкум этди. Лекин биз тақдирини битишга ҳазм этганимиз — олимнинг асарлари ҳануз тирик, филолог уқиблар хотирасидан ўчиб кетмаган. У яратган асарларда қашқифёт, мутахассисларни лол қолдирган ангилликлар унча кўп эмасдир, лекин унинг Навоий ҳақидаги тадқиқот, мақолаларида покиза руҳ, ҳарорат бор. Ҳануз марҳум олим, унинг чоғроққина «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографияси ҳақида гап кетса, «Яхши олим эди», «Навоий ҳақида тушуниб, иймон билан эзган», — деган гапларни эшитамиз. Унинг мақолалари, адабий портретлари, ҳатто Чўлпон шеърятини сохта ижтимоийлик асосида ёритган мақоласида ҳам олим қиёфасини ёритиб турган самимийлик бор. «...1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси тузилганда, адабиётшунослар ичида биринчилардан бўлиб Олим Шарафиддиновнинг муҳбир аъзоликка сайланиши ҳеч кимни ажаблантиргани йўқ», — деб ёзди Озод Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» асариди.

Мен Олим Шарафиддинов асарларини берилиб ўқидим, қизи, синглиси, қариндошлари билан суҳбатладим. Клара Алимовна — олимнинг иккинчи қизи, ўқимишли, маданиятли аёл. Элёр ва Гулсанам деган олим фарзандлар онаси, таникли адабиётшунос Эрик Каримовнинг рафиқаси — ота онаси, опа-укаси, аждодлари ҳақида гапириб берди, отаси ўқиган, ёзган китобларни, фотосуратларни, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси эканлиги ҳақида Олим Шарафиддинов номига тўлдирилган 15-сонли гувоҳнома кўрсатди.

— Отам баланд бўйли, барваста одам эдилар. Эс-эс биланам, улар мени елкаларига миндириб келаятган эдилар. Ичкари-ташқари болохонали ҳовлида яшардик. Кўча эшикка келгач, мени ерга қўйдилар. Қарасам, отамнинг бошлари болохонага тегай-тегай деяпти. Тайёр қийим-кечак, пойабзал уларга тўғри келмасди: махсус тиктирилган кийим-бош кийардилар...

...Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдони биқинида, Олий Мажлисининг маҳобатли биносини ёнгинасида тўққиз қаватли катта уй бор. Унинг олтинчи қаватидаги хонадорларнинг бирида тўқсон ёшни қоралаб қолган Мушарраф ая Шарафиддинова кенжа қизлари Ҳикоятхон билан истиқомат қиладилар. Аянинг серажин чехралари, мунгли кўзлари ўтган асрнинг алғов-далғовли, мураккаб йиллари, ойлари ҳақида хабар бераётгандай бўлади.

— Ота-она яшаган, олам, акаларим туғилган уй-ҳовли анави ерда. Олмазор кўчасининг бошлангишида эди, — дейди ая Олий Мажлис биносининг кун чиқар томониغا ишора қилиб. — Саидолим акамнинг ёрдўстлари кўп эди. Қайсидир йили Айний домла бизникида бир ой яшаганлар. Ховлимизда ўқиб дарахти бўларди. Уша ўрик қиёғос гуллаганда Хамид Олимжон ўрик гули ҳақидаги шеърини битган... — Ая ширин хотираларга берилди. — Отам узоқ умр кўрдилар. Сталин ўлган йили тўқсон беш ёшларида қаза қилдилар. Раҳматли онам, аждодларимиз дафн этилган мана шу — Хўжа Аълам бардор қабристонидидаги хилхонамизга дафн этилдилар. Ая бу гал кун ботар томонга ишора қилдилар.

Мушарраф ая кам гапирдилар: — Акам шўрликни бот-бот эслаيمان. Жасадлари бегона юртларда қолиб кетганига чидай олайман, — дедилару суккутга кетдилар.

Хотира — инсоннинг одамлар қалбидидаги суврати, унутилмас ёди. Унда инсонга хос худ-бехуд, манфий-мусбат хусусиятлари аён бўлади. Ажаб. Айн — Олим (Саидолим) Шарафиддинов ҳақида ким билан гаплашмай, ҳамма у зот ҳақида самимий, илқ гапларни айтиди. Ваҳоланки, одам — хом сут эмган банд: баъзида хато қиладди, ноқўя гапларни айтиб юборарди. Айниқса, қалам ахлининг йўли ҳаммиса раво, бир текис бўлавермайди. Масалан, менинг тасаввуримда икита Айн — Шарафиддинов бор. Бири — 24 ёшга эндигина қадам қўйган, институтни янги битирган, сиёсатдан бохабар, ёш-

ларнинг фидойиликларини қўриб-билиб турган йигит. У Чўлпон, А.Қодирий тўғрисида шунчаки эмас, уларнинг буюклигини, улуғлигини, ёшлар уларга эргашаётганини сезиб турган ҳолда ёзди. Чўлпон ҳақидаги мақоласида шоирнинг ширали тили, тирик туйғуси ҳақида сўзлади. Мана шу ўринларда Олим Шарафиддинов қалбидидаги жозоба нури нигоҳ акс этган. Лекин замон пишкит-пукта ишланган қуёшқонни унутмасликни, сохта ижтимоийлик ойнағини таққан ҳолда иш кўришни такозо қиларди. Айн — навқирон Олим Шарафиддинов замон зайлига бўйсунди. Унинг ўтли мақоласи катта баҳснинг бошланишига туртки бўлди. Айн баҳсга аралашмади: на Ойбек, на Усмохонни қўлаб-қувватламади. Олим қалбидида изтироб, жавобсиз савол бор эди.

У ҳаётни кузатди, кўп ўқиди, изланди. Олим Шарафиддинов рус, қадимги юнон, инглиз, олмон адабиётини ўқийдими, илмий иш қиладими, ёшларга дарс берадими, асосий диққати Навоийга келиб тақала бошлади. У нафақат Навоий асарларини, нафақат форс-тожик, туркий адабиётни, балки тарихий асарларни кунт билан ўрганди. Олим руҳида рўй бераётган ўзгаришлар, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Навоий ижоди ҳақидаги билими теранлашиб, ойдинлашиб бораётганлиги, Навоий ҳақида яратилаётган асарларга муносабатиди аниқ-тиник кўрина бошлади. «Навоий ижодининг хато талқинларига қарши» мақоласи олим ижодидида тишли-тирноқчилиги, аниқ-пукта йўналишга эгаллиги билан ажралиб туради. Абдурахмон Саъдийнинг 20-30-йиллардаги Навоий ижоди ҳақидаги саёз, бетайинроқ қарашларини Айн мазкур мақоласида кескин танқид қиладди. Мухими, шу мақолада Айннинг миллатпарварлиги, ўзбеклик гурури, Навоий ижодига ҳурмати мукамал акс этган. Ушбу фикрларга аҳамият берайлик: «Саъдий фақат Навоийга эмас, балки ўзбек халқига, унинг ўтмишида яратган маданияти, адабиётига ҳам шу паст назар билан қаради ва тухматлар ёғдирди. Чунки унинг фикрича, ўзбек адабиёти тарихи фақат тасаввуф ва символизм тарихидан иборат. А.Саъдийнинг фикрича, ўзбек халқи ўш турмушини бадийий акс эттирган ва замонасининг тараққийпарвар голярини куйлаган шоирлар, ёзувчилар етиштира олмаган» («Танланган асарлар», 187-бет). Олим Шарафиддиновнинг А.Саъдий, Миён Бузрук Солихов китоблари ҳақидаги тадқиқотларида айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам сезилса-да, улардаги ойдинлик, жонли мулоҳазалар кишини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, бу гап «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографиясига тааллуқли. Мазкур монография яратилганга 65 йил бўлди: навоийшунослик янги босқичга кўтарилди, зукко навоийшунослар етишди. Навоий асарлари ҳам қиёбан, ҳам таркибан синчиклаб талқин, таҳлил қилинмоқда. Лекин ҳамон Олим Шарафиддинов китобидаги самимият, тиниклик, бетакрор услуб кишини ром этади. Бетақрор услуб — нури нигоҳ не? У — буюк даҳо ижоди, шахсиятига аядасиз ҳурмат, покиза руҳият, қарашларнинг теранлиги самимияти. Услуб — халқ ҳақосига, унинг нурадй ёғуғ тамаддунига, салоҳиятига садоқат.

...Қадимги Тошкентнинг Бешёғочдан Хадрага олиб борадиган Олмазор кўчаси пойтахтимиз ахлига яхши таниш. XX аср бошида Олмазорнинг Бешёғочга яқин жойида ака-ука Саидмур, Саидқосим, Саидсултон, Саидяхё, Саидахрор, Саидалилар ҳовли-жойлари бўларди. Олмазорнинг Хадрага туташадиган ерида эса Саидхофиз, Саидмуқимлар оталари Саидшарафиддиндан мерос қолган ҳовлида истиқомат қилардилар. Хадралик Саид Шарафиддинни, унинг 9 ўғлини Тошкентнинг тўрт даҳасида билмаган-танимаган одам кам топиладди. 1903 йилда Саидали эшон оиласида иккинчи фарзанд, биринчи ўғил туғилди. Унга Саидолим деб исм қўйилди.

Саидолим янги асрнинг Янги инсонни бўлди. Чақалоқлигида унинг қулоғига азон овози ҳам, Бешёғоч майдонини гумбуралиб ўтадиган қонга товуши ҳам кирди. Шонзодалар фарзандларига таълим, тарбия беришга алоҳида эътибор билан қарардилар. Ёш Саидолим ҳам диний, ҳам дунёвий илм олди: оқу қорани эрта таниди. У ёшлигидан бешёғочлик Саидаҳмад эшоннинг қизи — таникли шоира, маданиятли

аёл Нозимохоним шеърларини ўқиди. Камий, Хислат, Мискин, Тавалло асарлари унинг ёш онгига таъсир этди. Айни вақтда у араб, форс, турк тилида битилган тарихий, илмий асарлар, Навоий, Бобур, Фузулийлар ижоди билан танишди. Саидолимнинг бобоси, амакиларида қанчалик мол-мулк бўлганини аниқ айтиш қийин. Аммо тагли-зотли бу авлодда китоб кўп бўлганига шак-шубҳа йўқ. Ота кўрган ўк отар, — деганларидай Саидолим ёшлигидан кўп ўқиди, ёзиш-чизишга ружу қилди. У 1918-1920 йилларда ўзбек олим кўртида ўқиди.

У тўрт йил Озарбайжон Ўлий педагогика институтидида кунт билан таълим олди, фанларини чуқур ўзлаштирди, рус, Фарбий Европа халқлари адабиётини ўқий бошлади. Олим Шарафиддинов тенгдоши бўлган Александр Фадеев, Леопольд Авербах, Юрий Либединский, Владимир Ермилов, Александр Зонин сингарилар 20-йиллар ўрталаридан адабиёт баҳасида жавлон ура бошладилар. Боқудайги ўқишни тугатиб келгач (1921-1925), Олим Шарафид-

кафедра мудири лавозимидида ишлади.

Олимнинг қисқагина илмий ижодий йўли, негандир, Муқимийнинг «Ўзим ҳар жойдаман, қўлғим сендадур» деган машҳур сатрини ёдга солади. Айн адабий ҳаётда, ўзбек танқидчилигида кўришиб турди, лекин унинг фикри-ёди мумтоз адабиётимизда, хусусан Навоий ижодини чуқур, мукамал ўрганиш, ўзлаштиришда эди. Олим бутун борлиги, иймону эътиқоди билан Навоийнинг даҳо ижодкор эканлигига, унинг асарлари ўзбек халқининг битмас-туганмас маънавий бойлигига айланган «Ғиғайшон» Бошқача айтганда, 20-йиллар охирида, 19-йиллар пировардигача Айн ўз ижодининг шоҳ асарини — Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кўрли-қутли асарини ёзишга тайёрланди. Буни форс-тожик, туркий мумтоз адабиётлари билимдонлари Садриддин Айний, Евгений Бертельс билан дўстона алоқага киришувиди, Навоий ҳаёти ва ижодига дахлдор жамки асарларни кунт билан ўқишида билиш мумкин эди. Айн Шарафиддиновдан пединститутда маърузалар

ўқишга юборди. Тўнғич қизи, 3 ёшли Лолахонни ўзи олиб қочди. Шарифа Абдуллаева билан пойтахтга жўнаганлар орасида Иззат Султон, Юсуф Султон, Зокир Маърупов, Фахри Камол, Мансур Абзалов, Жуманиёз Шарипов ва Бошқалар бор эди. Ўқишни тугатиб келгач, Шарифа Абдуллаева педагогика билан шуғулланди, умрининг охиригача Олим Шарафиддинов домлилик қилган Тошкент Давлат педагогика институтидида кафедра мудири, доцент бўлиб ишлади.

1939 йил Олим Шарафиддинов ҳаётида унутилмас воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Шу йили унинг «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» китоби икки тилда чоп этилди. «15 йил ичида ўзбек адабиёти» номли адабиётшунослик тўпламида Олим Шарафиддинов ва Сотти Хусайнинг «Ўзбек адабиёти» тадқиқоти босилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди», «Ўзбек адабиёти» тадқиқотларида ифодаланган фикр-қарашлар узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётшунослиги учун дастуруламан бўлиб келди. Шу мақолада Х.Олимжон,

Хотира қизонса қизандир

НАВОЙШУНОСЛИКДАГИ НУРАИ НИГОҲ

Бу инсон ҳаёт бўлганида юз ёшга тўларди. Афсуски, олтмиш йил муқаддам қирчиллама қирқ ёшида ҳалок бўлди. У бор-йўғи 14 йил илмий-ижодий фаолият билан шуғулланди. Ўн йилга етар-етмас тотув оилавий бахт завқини сурди, икки қиз, бир ўғилни оталик меҳри билан сийлади.



динов мураккаб, зиддиятли адабий муҳитга тушди. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитратлар адабий жараёнинг байроқдорлари эдилар. Танқидчилик кўпроқ шулар ҳақида ёзарди. Ойбек, Гафур Фулом, Файратий, Абдулла Қаҳҳорлар ўзларининг ўтли овозларини баралла эшиттириш арасида эдилар. Абдурахмон Саъдий, Вадул Маҳмуд танқид майдонидаги етакчи куч эдилар. Ойбек, Сотти Хусайн, Раҳмат Мажидий, Анкабой, Олим Шарафиддинов сингарилар ўзларининг илк мақолаларини тайёрлаётган эдилар. Табиийки, шуру матбуоти ўзига хайрихоҳлар учун имкон яратиши мумкин эди. Ойбек биринчи тақриздаёқ Фитрат асарини танқид қилди. Олим Шарафиддинов дастлабки тақридий сўзини Чўлпон тўғрисида айтди.

1927-1939 йиллар шўро адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги учун нихоятда мураккаб, чигал давр бўлди. Биринчидан, адабиёт ҳақиқий жанг майдонида айланган эди. Адабий танқид жангни кучайтирувчи, адабий ҳаётни сиёсат, мафкурага чамбарчас боғлаб ташлаган кучга айланди. Олим Шарафиддинов адабий ҳаётда иштирок этади. Лекин синчков нигоҳ Айн фаолиятида сезиларли ўзгариш рўй берганини илғаб оларди. У Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтидида (1931-1932), Тошкентда иш бошлаган Маданий курилиш илмий-тадқиқот институтидида (1933), Ўзбекистон Фанлар кўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтидида (1937), Ўзбекистон ҳукумати ҳузуридида тузилган Навоий юбилейини ўтказиш кўмитасидида (1938-1941) илмий ходим, шўбба мудири бўлиб ишлади.

Олим Шарафиддинов Ўзбекистон Давлат университетидида (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) (1933-1935), Тошкент кечки педагогика институтидида, Тошкент Давлат педагогика институтидида (1935-1938) доцент,

тинглаган ёзувчи, адабиётшуносларнинг хо-тирлашича, домла мумтоз адабиётни чуқур билар, айниқса, Навоий ҳаёти ва ижодини нозик таҳлил қилар экан. Интилганга толе ёр, деганларидай, 1938 йилда Алишер Навоий юбилейини ўтказиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарор қабул қилиши кўнглидагидай иш бўлди. Устига устак Олим Шарафиддинов юбилей ўтказувчи ҳайбат таркибидида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. Омаднинг қулиб боқиши бўлса керакки, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида монография ёзиш Олим Шарафиддиновга оқлатилди, рисола ҳам рус, ҳам ўзбек тилларида чоп этилиши лозимлиги кўрсатилди.

Олим Шарафиддинов ҳукумат бюортмасини мuddатидан илгарийёқ шараф билан уddалади: 1939 йилда «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографияси бир йўла рус ва ўзбек тилларида чоп этилди. Олимнинг орзуси ушалди. Лекин монографиянинг Сотти Хусайн маъсۇл муҳаррирлигида чоп этилган биринчи нашрига Айн Шарафиддинов ёзган материалнинг ҳаммаси қўлмаган эди. Олим Шарафиддинов фронтга кетар экан, Навоий ҳақидаги монографиянинг тўлиқ қўлёзмасини дўсти Ҳоди Зариповга ишониб топширди.

Олим Шарафиддинов оила қуришга шошилмади. У 1932 йилда шайхонтохурлик тагли-тахтли оилга кўвб бўлди. Шарифахон келин эндигина 18 ёшга тўлган, увоқчина киз эди. Саидолим уйланган, фақат меҳрибон эр эмас, эътиборли устоз вазифасини ҳам ўтади. Шарифахон эрининг қасбига қизикди: халқ оғзаки ижодига жиддийгина эътибор берди. 1936 йилда Ўзбекистон ҳукумати бир гуруҳ ёш олим-педагогларни Москвага, профессура курсларида ўқишга жўнағди. Олим Шарафиддинов ёш-гина хотинини 10 ойлик қизчаси билан

Фафур Фулом, Файратий, Уйғун, Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин ҳаёти, ижоди ҳақида замонага мос келадиган фикрлар билдирилган эди. Шу йили Олим Шарафиддиновнинг Бухоро вилоятида Халқ маорифи соҳасида ишлайётган укаси Саидмурод Шарафиддинов қатагонга учраган ҳолда халқ душмани сифатида қамалди. Илмий-ижодий соҳадаги ютуқлари тақдирланганидан, эътифот этилганидан олим қанчалик қувонган бўлса, истеъдодли, гўзал шеърлари билан танилиб қолган иниси ҳибса олиннишидан азият чеқди.

1939-1941 йилларда Олим Шарафиддинов илмий, адабий-танқидий, ўқув-методик асарлар ёзди. Айн Шарафиддинов Навоий поэтикаси тўғрисида тадқиқот яратганлиги маълум бўляпти. У «Навоий поэтикасининг баъзи хусусиятлари тўғрисида» номли мақоласида масалани кенг қўламда, теран олганлиги кўришиб туради. Олим ўзбек адабиётшунослигидаги поэтикага оид нодир асарлар ҳақида фикр юритади. Тадқиқотчи Аристотель, Платон сингари юнон олимларининг сўз санъатида оид асарларнинг араб дунёсига кириб келиши, тамаддундан муқим ўрин эгаллаганлиги ҳақида тўхталади. Поэтикага оид тадқиқотлар яратган Халил ибн Аҳмад, Низомий Арузий, Шамсқайс Ҳўжа Наср, Ибн Халдул сингарилар номи Алишер Навоий асарларида учрашини айтади. Олим Шарафиддинов Низомий Арузийнинг «Чаҳор мақола», Ибн Халдулнинг «Муқаддима» асарларида иктибос, фикр келтирди.

Олим Шарафиддинов «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографиясига буюк ижодкор ҳақидаги жамки қарашларини сиғдира олмаган. У «Хамса» дostonларини ҳақидаги тадқиқотларини алоҳида-алоҳида нашр этишга мажбур бўлган. Монографияда «Хамса»нинг 4-дostonи «Саъба сайёр» гўзал таҳлил қилинганлигининг гувоҳи

бўлаемиз. Шунга қарамай, Олим Шарафиддинов «Баҳром Гўр образи ва «Саъба сайёр» тўғрисида» номли алоҳида тадқиқот яратди. У Баҳром Гўр образининг форс-тожик адабиётидида ишланиши жараёнини «Шоҳнома»дан (Фирдавсий) бошлаб кўзатади. Фирдавсий, Низомий, Дехлавийлар яратган Баҳром образига алоҳида-алоҳида тўхталинади.

Олим Шарафиддинов туркий, форсий адабиётлар тарихидан мақолалар ёзади. Хуллас, уруш арасида Олим Шарафиддинов куч-ғайратга тўлиб ижод қиладиган эди.

1941 йилда бошланган уруш мамлакат ҳаётини, кишилар тақдирини алғов-далгов қилиб юборди. Олим Шарафиддинов илм, ўқув-методика соҳасида баракали ижод қиладиган паллада урушга жалб этилганлиги ҳақида хабарнома олди. Аввалига ҳайрон бўлди: ёши қирқни қоралаб қолган бўлса, тадқиқотлари эътибор топаётган бўлса... Одамнинг оласи ичида: кимдир «халис ҳизмат» қилдимкин... Шуниси ҳам борки, уруш юртининг, элнинг умумий ташвиши: не-не бую йигитлар, яқиндагина оила қурган қувёлар жангга кетяпти. Уни бошқалардан ўқи ўзларини?.. Уйлай-уйлай, Олим Шарафиддинов урушга жўнашга азму қарор қилди.

Харбий комиссариатдагилар босиб, салобатли, рус тилини мукамал биладиган бу одамни ўқитиш, ундан командир-зобит тайёрлаш маъқул деб билдилар. Олим қўлидаги қаламини қуролга, ижодхонасини ҳарбий машқлар майдонида алмаштирди. Самарқанд, Андижон ҳарбий машқгоҳларида бир йил шуғулланди. Лейтенант унвонини олди. Урушга кетди. Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилганида, адабиётшунослик бўйича унинг номзоди академиянинг муҳбир-аъзолигига кўрсатилганда Олим Шарафиддинов фронтда, хандақларда жанг қиладиган. Деярли барча академик, муҳбир-аъзолар гувоҳномаларини қўлларига олдилар. Олим Шарафиддинов номига тўлдирилган, академиянинг биринчи президенти Тошмуҳаммад Саримсоқов имзоси чекилган 15-сонли гувоҳнома эгасининг қўлига тегади.

1943 йилда урушнинг боришида ўзгариш бўлди: фашистлар қувғин қилина бошланди. Олим Шарафиддинов 1943 йилнинг қаҳратон қишида Белоруссия ўрмонида бир мuddат қўнин топди. Шу фурсатда у Фанлар академиясига мактуб битишини, юксак илмий марказга аъзо қилиб сайлаганликлари учун миннатдорчилик изхор қилишни уйлагандир. Лекин у фарзандларига — Лола, Клара, Шухратга хат ёзишни маъқул топди. Ҳануз сақланаётган ўша мактуб — васият Айн Шарафиддиновнинг сўнги асари бўлиб қолди.

«Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди» монографияси олим ижодининг чўққисидир. Навоий ҳақида XX асрда кўплаб тадқиқотлар бир қанча тилларда яратилди. Олим Шарафиддинов тадқиқоти ўз услуби, қиёфасига эгаллиги билан фарқланади. Бу асар дисертациялардан, соф илмий (академик) тадқиқотлардан соддалик, равонлиги, тушунарлилиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзиш фикри олимда бирдан туғилган эмас. Олим Шарафиддинов, назаримда, онгли ҳаёти давомида ҳаммиса Навоийни ўқиган, унинг асарларини мутлоа қилган, ҳаёт йўлини синчиклаб ўрганган. Ўқийвериш, берилиб мутлоа қилавериш уқиб дарахасига олиб чиқади. Уқиб — адиб ҳаётини асарлари илдиз-илдизига кириб боришидир. Уқиб — ёзувчи руҳидида қолатларини, жараёнларни ўзида жонлантириш. Уқиб — теран хис қилиш. Шундай одамлар борки, Навоий фазалларини завқ-шавқ билан ёдаки ўқийдилар. Мана шуларни ўққанлар дейиш жоиз. Менимча, Олим Шарафиддиновдаги уқиб аянада теранроқ бўлган: унинг табиатида, одамларга муносабатидида, болажонлигида, ўз «мени»ни бошқара олишида Навоийга хос фазилатлар пайдо бўлган.

Олим Шарафиддинов Навоий ҳақидаги илмий-тарихий асарларни кунт билан ўрганган. Тарихий асарларда ҳаётнинг катта воқеалари қатори икки-чикир томонлари тасвирланади. Муаррихлар Навоий яшаган ижтимоий муҳит, шоирнинг ёқтирган ва

ёқтирмаган кишилари, амалдору адиблар билан шахсий муносабатлари, амалга оширган муҳим ишлари ҳақида ёзганлар. Олим Шарафиддинов Навоийга оид материалларни уқиб даражасида ўзлаштирган.

Навоий ҳаёти ва ижодини уқиб — буюк санъаткор турмуши, асарларини турли ракурслардан аниқ, тиник кўришдир. Олим Шарафиддинов буюк Навоий ҳаёти ва ижодини сохташлатирмаган, ҳақиқатни бузмаган ҳолда уни XX асрнинг ўрталаридаги тарихий муҳитга мослаб талқин, таҳлил қилган. Олим Навоийнинг оддий халқ, ҳунармандлар билан яқин муносабатини, хаддан ошиб кетган солиқларни, элга жабр қиладиган амалдор-тўраларни фош қилганини тасвирлайди. Китобда Хусайн Бойқарон саройида, оиласида кучли инқироз бошланганлиги, фожали устма-уст рўй бергани кўрсатилади. Уйлаб кўрилса, даҳо ижодкорнинг асарлари мисоли улкан ҳазина: ундан турли мақсадларда боришманглик билан фойдаланиш мумкин. Олим Шарафиддинов буюк Навоийни янги ракурслардан намоян этди. Мухими, олимнинг талқинлари шўро мафкура-си етакчиларига маъқул тушди. Тўғри, Олим Шарафиддинов Навоийнинг тасаввуф киши эканлиги, унинг соф исломий асарларини байроқ қилиб кўтармади. Навоий «Хамса»сини таҳлил қилар экан, олим дostonларда «анъанавий кириш»га ургу бермади. Лекин, анъанавий киришда, муножотда Навоий моҳияти аниқ-тиник кўринади.

Олим Шарафиддинов шўро давлати ва коммунистик фикрнинг баъёв қилчи тинимсиз ҳаракатлиб турган қалтис вазиятда Навоий ҳаёти ва ижодини янгича талқин қилиш йўлини топди. Мазкур қарашнинг ҳам ижобий, ҳам етишмовчи томонлари, табиийки, бор эди. Мухими, Олим Шарафиддинов қалтис бир вазиятда Навоий меросини сақлаш, тарғиб, таҳлил қилишининг ўзига хос, оқилона йўлини топди.

Олим Шарафиддинов монографиясидида Навоий ҳаёти ва асарларини синчиклаб таҳлил қилиш кўзга ташланади. Навоий дostonларини, хусусан «Фарҳод ва Ширин»ни ўқиган аксарият китобхонлар увоқ образларга эътибор бермайдилар. Олим Шарафиддинов «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги асосий қаҳрамонни асир этган Фиррибар билан уни ўлдирган Есуман бошқа-бошқа одамлар эканлигини кўрсатади. Олим Шарафиддинов китобида Навоий дostonлари яхши таҳлил қилинган, лекин «Саъба сайёр», «Саиди Искандарий» дostonлари таҳлили аянада нозик, тиник, Алишер Навоий Низомий, Дехлавийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonлари ҳақида тўхталинган экан, уларда Баҳромнинг «ишқ мюяси» етарли исботланмаганлигини айтади. Қарангки, Алишер Навоий ўзининг тўртинчи дostonини ишқ мюясининг мантиси, тарихи, бадий таҳлиliga бағишлаган. Аникроғи, Навоий дostonидаги Баҳром ишқ изтиробига мубталло бўлади. Бутун асар давомида шу ишқ Баҳромни қўйнайди, тоблайди, чиниктиради. Дostonда тасвирланган сўнги ҳикояда Баҳром Дилоромнинг тириклиги ҳақидаги хабарни билади. Мурод-мақсадига етган бош қаҳрамоннинг ботқоққа фарқ бўлишида ҳам теран маъно-мазмун бор.

«Саиди Искандарий» чин маънода фалсафий дoston: у баҳс билан бошланади, баҳс билан аяқланади. Баҳслар турли мавзуларда. Лекин улар моҳиятида битта масала ўзак вазифасини ўтайди: инсон қандай яшамоғи жоиз. Искандар олимлар даврасида яшайди, аслзодалар тарбиясини кўрди. Унинг қуруқликда, денгизларда ўтказган умри маъно-мазмун, ибратга тўлиқ бўлди. Искандар юраюра, суза-суза, кўра-кўра, била-била битта хулосага келди: инсон бу дунёдан у дунёга қоқ-қуруқ, очки қўл билан кетар экан. Шундай экан...

Олим Шарафиддинов ҳаёт бўлганида XXI аср тонгида 100 ёшга тўлган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйида катнашган бўларди. У қирчиллама қирқ ёшида ҳалок бўлди. Камтарин олим Навоий ҳаёти, ижоди ҳақида шундай ёздики, унинг нурили нигоҳи XXI аср китобхонини ҳам ром этишга шубҳа йўқ.

Шарқ дурдоналари

03-03 УРТАНИБ
ДОМО БУЛАР...

● Баъзи ёшлар ўзларининг кучи ва қудрати етмаган нарсага беҳуда интиладилар, бу ишни уйдасидан чиқишга имконлари бўлмагач, обрўни кеткизмаслик учун қўлларини силтаб: "Бўлмаган нарса ҳеч фойдасиз, бўлганидан бўлмагани яхши", деб уни ёмонлаш пайида бўладилар.

Хикоят:
Бўри билан шер ўзаро келишиб овга чиқдилар. Бир ерга етиб келишгач, бўри шерга қараб: "Қўйларнинг овозини эшитаясанми? Ҳозир мен улардан бирини тўтиб келаман. Сен овора бўлмай шу ерда тура қол", — деди ва бирга бормоқчи бўлган шерни бормасликка, бу ишни бир ўзи осонлик билан уйдалай олишига кўндирди. Ҳовлиқиб қўйлар томон йўл олган бўри, қўйлари баланд девор билан ўралган қўтон ичида эканлигини ва чўпонларнинг бақириб-чақириб юрганини кўрди, девордан ошиб тушишга юраги бетламай, ночор орқага қайтди ва шерга деди:

— Бу ердаги қўйларнинг ҳаммаси ориқ экан, уларга вақт сарфлаб ўтиришга ҳам арзимайди. Бироз семиршишсин, ўшанда келамиз.

● Инсонни камолга етказувчи нарса адабдир. Бироқ адаб қандай ҳосил қилинади? Адаб илм эгаллаш, бадий, ахлокий, шеърый асарларни мутолаа қилишдан ҳосил бўлади. Камолга етиш учун тилни адаб билан қуроллантириш, қўлни эса тўғрилиққа одатлантириш лозим. Донолар айтади: "Адаб ақлли киши учун улуглик ва фазилатдир". Шунинг учун айтадилар: "Адаби йўқнинг ақли йўқ". Олимлар: "Адабсиз ақл, ақлсиз адаб йўқ", — дейдилар. Демак, ақл ва адаб бир-бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккалови мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий камол эгаси бўлади.

Айтадилар: "Адаб икки хилдир: хизмат адаби ва ҳикмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказида". Ҳар иккиси ҳам улуг фазилат, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади.

● Ҳар кимга давлат ва иқбол ёр бўлган пайтда ўз ёр биродарларига ёрдам қўлини чўзмаса, у ҳам куни келиб хорлик занжири билан боғланганда дўстлари у тутган каби йўл тутадилар.

Хикоят:
Бир шер ёшлик ва пурқувватлик пайтида, ҳеч бир жониворни менсимай уларга доимо ғазаб сочиб ситам қиларди. У қариган пайтда шундай заиф ҳолга тушдики, ўрмонлардаги жониворларнинг баъзиси беадаблик қилиб, баъзиси ўч олиш мақсадида шерга ҳужум қилишар, уни қийнашар, аммо шерда улардан ўзини қутқариш учун заррача мажол йўқ эди.

● Фарзандлар! Тарбия шундай азиз бир нарсаки, у инсонни ҳамма вақт тўғри йўлдан олиб боради. Одамларнинг тарбияли ва тарбиясиз эканликлари юрши-туришидан, муомала ва муносабатларидан кўриниб туради. Тарбияли одам ўзини катта тутмайди, манманликка йўл қўймайди, қўли, қоши орқали ҳар хил ишоралар қилмайди.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Миллий матбуот марказида нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) ва тадбиркорлик мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

«Логос» ННТ томонидан Евроосиё жамғармаси гранти асосида жамоат ташкилотларининг молиявий аҳволини кучайтиришга кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилган эди. Унда кўзда тутилган тадбирларда Тошкент шаҳри ва вилоятидан ўттиздан ортиқ жамоат бирлашмаси вакиллари иштирок этди.

Лойиҳага биноан тайёрланган «ННТ ва тадбиркорлик» мавзусидаги услубий қўлланмада эса жамоат бирлашмалари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва молиявий барқарорликка эришиш йўллари хусусидаги тавсиялар баён этилган.

Йиғилишда жамоат ташкилотларининг нотижорат мақоми ва тадбиркорлик фаолиятини биргаликда олиб бориш масалалари юзасидан фикрлашилди.

ЎЗА

Таъбирлар

ЯНГИ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Қобил фарзанд йиллар ўтиб, ота-она таянчи ва суянчига айланади, уларнинг учар қаноти, кексайганда ишонган тоғи бўлади. Аммо, афсуски, айрим ноқобил фарзандлар ҳам учрайдики, ота-она уларнинг қилмишларидан қадлари дол, бошлари ҳам бўлишиб, бу дунёдан афсус ва надоматда ўтадилар. Бундай кўргулик замирида эса аввало тарбия биринчи ўринга чиқади. Тарбия ёш болага қандай берилган бўлса, улгайганда унинг меваси юзага келади. Бу ўринда эса яна ташқи муҳитнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ҳозирги кунда тарбияси оғир, туман ички ишлар бўлимлари рўйхатида турувчи ўсмирлар сонини камайтириш, уларни тўғри йўлга бошлаш, ота-она қадрини чуқурроқ аниқлаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман бўлими кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган

юқоридаги мавзуга дахлдор тадбирларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яқинда туманда ўтказилган «Янги ҳаётга қадам!» мавзусидаги тадбир ҳам ўсмирлар тарбиясини яхши томонга йўналтириш, дўст-ёр қадрини аниқлаш, илм-маърифат нурунининг аҳамияти ҳақида бўлди.

Туман ички ишлар бўлимида рўйхатда турувчи 20 дан

ортиқ ўсмир-ёшлар иштирок этган бу кенг қамровли йиғилишда маҳалла педагог ташкилотчилари, туман вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ходимлари, мутахассислар билиб-билмай ёки кўр-кўрона қилинган жиноятнинг салбий оқибатлари, ноқобил дўстлар орттиришдан келиб чиқувчи нохуш ҳождисаларнинг сабаблари тўғрисида ёшларга ҳаётий мисоллар билан тушунтиришлар беришди.

Шунингдек, илм эгаллаган ёшларнинг ёрқин келажаги, уларнинг ибратли жиҳатлари ҳақида ҳам сўзлаб беришди.

«Янги ҳаётга қадам!» мавзусида ўтказилган ушбу тадбирдан кўплаб ёшлар ўзларига тегишли хулосалар чиқаришиб, эртанги кунларини янги қадамлар билан бошлашга сўз бердилар.

Орзуғул РУСТАМОВА

Бизга жавоб берадилар

НАЗОРАТГА
ОЛИНДИ

«Тошкент оқшоми» газетасининг 3 октябрдаги сонидан эълон қилинган «Зийрак бобо шаҳар кезади» рухни остидаги мақола Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ходимларини бефарқ қолдирмади. Буни тахририятимизга жавоб хати йўллаган Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси Саид Иброҳимовнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади. «Ҳақиқатан ҳам мақолада келтирилган далиллар асосли ва тўғри эканлиги шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, «Мовий гўмбаз» хиёбонидидаги қўламзор ва дов-даракларга ишлов бериш ишлари аллақачон бошлаб юборилди, ариқлар ҳар хил чиқиндилардан тозаланди. Ушбу ҳудудга бириктирилган агроном ва ишчиларга бундан буён ўз вақтида агротехника ишларини режа асосида, тозалаш ишларини мунтазам равишда олиб бориш зарурлиги ҳақида кўрсатма берилди. Хиёбонда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари мутасадди ташкилотлар томонидан назоратга олинган».

Назм бўстониди



Буюк Навоийдан бугунга қадар ўтди неча-неча шеърый дарғалар... Ҳар шоир ўзича бир оқар дарё, соҳилу ўзану жилғалар билан... Сўз дурларин қориб фикр садафида, кимлардир кашфиёт этмоқчи бўлди. Сўз улар устидан қаҳқаҳа ургай: «Неларни излайсан эй, содда шоир?»

«Кашфиёт қилишни истаيمان ахир, янги сўз айтишга чанқокман-чанқок», — дейди шоир. Сўз таскин беради шоиримизга: «Жамики хилқатни яратган Аллоҳ, сўзини ҳам яратмиш тўқису бекам, санъат ила сўзини ишлата билиш ҳамда моҳирона топиб ишлатиш сенинг вазифангдир эй, шоир!» Асом Зиёмат ана шу нақлга амал қилиб, дил дунёсини очибга интилади. Унда Фарбга ҳам, Шарққа ҳам оғиш йўқ. Ўзбекона миллий, содда, тушунарли ва равон тилда ижод этади. Айниқса унинг болажонларга манзур, қўлма-қўл бўлиб кетган: «Қушча ва ғунча», «Эртак сөҳри», «Тонг қўйнида», «Ғунчалар хандаси» китоблари таҳсинга сазовор!

Асом ака том маънодаги маънавиятимиз жонкуяри. Меҳрибон устоз, қаттиққўл падар, ориятли оқсоқол! Ёл-юртимиз хурматига мушарраф бўлиб юрган камтарин инсон етмишдан ошиб, саксон тарафга қадам қўймоқдалар.

Яқинда култур 70 ёшини нишонлаган захматкаш шоир ва адиб Асом ЗИЁМАТнинг янги шеърлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда...

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ БАРДАВОМ БЎЛСИН...

СЕН БЎЛМАСАНГ

Йўлингга термулар кўзим тонггача,
Болишим бўзлайди, сенсиз тонггача.
Уйку ором бермас, тонгга заррача,
Сенсиз, соғинч лаҳзам шундай кечадди.
Фарзандлар қаршимда фидойи бўлиб,
Эркалаб кучсалар «отам» деб суюб.
Завқимдан бир лаҳза кўмсайди кулиб,
Сен билан кулишган қулгимдай бўлмас.
Қошонам зийнати фирдавс бўлса,
Кўрганлар хайратдан қувонча тўлса.
Буларнинг барчаси гар сенсиз бўлса,
Қошонам гувалак уйимдай бўлмас.

Умримнинг ҳар фаслин гул тожи ўзинг,
Кўнглимда гул очар ҳар айтган сўзинг.
Вафодан сўзлайди соф қора кўзинг.
Уйимнинг жаннати сенсиз, кун-қунмас.

ҚИЗГИНА

Муборақ остонага
Кун балққан қошонага.
Донишманд қайнонага
Келин бўлдинг қизгина.
Севганинг жон-жонингда
Ишқ жаранглар қонингда.
Энг баркамол онингда
Келин бўлдинг қизгина.
Кўз тегмасин бахтингда,
Ярашиб зор тахтингда.
Орзу қилган аҳдингда
Келин бўлдинг қизгина.

УМРИМ СУЯНЧИГИ

(Умр йўлдошим Рисолатбонуга)
Сен билан ҳаётни хис қилар қалбим,
Сен билан чамбарчас умрим гулшани.
Ҳорисам дармоним, чексиз имоним.
Вафода бахтимнинг сен шараф-шони.
Рўзғорим султони, дилим ҳамроҳи,
Бедор кунларимга ўзингсан пайванд.
Фидойи муҳаббат қонингда синган,
Бир умр ўзингсан дилимга-дилбанд.

Меҳрингни қуёшга этаман қиёс,
Шунчалар фидолик сенда муҳассам.
Ўзгалар кўзида ҳавас уйғотган.
Инсонлик бурчимиз сўнмас мустаҳкам.

Бир нафас бўлмасанг кўхна-равотда,
Мунгли сукунатга тушади кўзим.
Бу ўқисқ пуртана тўлғоқли нидо.
Бўзимга тиқилар, ёришмас дилим.

Оилам фариштаси, хонадон кўрки,
Ўзингсан мукаррам, азиз боғбони.
Сен билан мунаввар, сен билан обод,
Бахтиёр оиламнинг ўтган ҳар они.

ОНА ЧОТҚОЛ

Ҳамон қалбим сен томон тортар,
Бағрингни кезмоққа интизор.
Хаёл гирдобига оқаман,
Соқин қалбим қандай беозор.

Балки, онам сенда кезган чоғ
Биз учун насиба тергандир.
Хурсанд бўлиб саховатингдан,
Шамолдек биз томон елгандир.

Эслаيمان ҳамиша ёшлигим,
Очликни ҳам кўрган бу бошим,
Қўллар қаторига ўша даврга
Чидаш берган мурғак бардошим.

Ҳар дақиқа ниғоҳимдасан,
Соғинч тўла кўзларим сенда.
Салобатли эй, она Чотқол,
Илҳом бўлиб туғилдинг менда.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази" Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:

Т-р	Объект номи	Объект манзили	Техник характеристикаси	Бошланғич нархи, сўм
1.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, "Хумоюн" даҳаси, 3а-уй.	481 кв.м.	9 791 800
2.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, Қорасув 2-мавзе, 23-уй.	1 761 кв.м.	32 520 663
3.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уй	17 кв.м.	2 675 141
4.	Бино қисми	Юнусobod тумани, "Олоб" бозори	39 кв.м.	13 650 000
5.	Бино қисми	Юнусobod тумани "Олоб" бозори асосий биносининг, фойсанинг 19-қисми	16,5 кв.м.	5 775 000
6.	Бино қисми	Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй	1080 кв.м.	30 802 280
7.	Бино қисми	Чилонзор тумани, "Ал-Хоразмий" даҳаси, 1-уй	60 кв.м.	2 665 820
8.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Қурилиш 1-тор кўчаси, 6-уй	512,63 кв.м.	16 730 450
9.	Бино қисми	Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уй	84 кв.м.	2 939 110
10.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 6-уй, (3 бл., 2-сек.)	129 кв.м.	21 523 180
Бундан ташқари, савдоларга "Нур мажмуаси" ва қуйидаги қурилиш тугалланмаган объектлар ҳам қўйилмоқда				
1.	"Нур" мажмуаси	М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй	1 642,0 кв.м.	750 000 000
2.	Қурилиш тугалланмаган 17-сон дўкон биноси (2-блок)	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси.	662 кв.м.	83 415 532
3.	Қурилиш тугалланмаган 18-сон дўкон биноси (3-блок)	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси.	662 кв.м.	80 444 028

4.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "А" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	6583,6 кв.м.	45 000 000
5.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "С" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	6623,0 кв.м.	60 000 000
6.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "Н" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	4109,0 кв.м.	145 000 000
7.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "К" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	6568,9 кв.м.	130 000 000
8.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "Е" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	6419,3 кв.м.	150 000 000
9.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "Г" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	6104,5 кв.м.	20 000 000
10.	Қурилиш тугалланмаган биносининг "С" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси.	6623 кв.м.	450 000 000

Шунингдек биржа савдоларига "Автомакс" ЭАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, "Юнусobod универсал бозори" ОАЖнинг А.Дониш шохобчасидаги, "Маркент бозори" ОАЖ, "Авиасозлар бозори" ОАЖ ҳудудларида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда. Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинида "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: www.tshmbm.uz;

Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !**

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази" Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони ("Пойтахт бизнес мажмуаси"нинг ғарбий қисми)да жойлашган қуйидаги объектлар қўйилган:

Т/Р	Жойланиши	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм	Т/Р	Жойланиши	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм
1.	1-қават	118 кв.м.	43 081 800	13.	1-қават	24 кв.м.	8 762 400
2.	1-қават	56 кв.м.	20 445 600	14.	1-қават	69 кв.м.	25 191 900
3.	1-қават	110 кв.м.	40 161 000	15.	1-қават	26 кв.м.	9 492 600
4.	1-қават	16 кв.м.	5 841 600	16.	1-қават	74 кв.м.	27 017 400
5.	1-қават	78 кв.м.	28 477 800	17.	1-қават	147 кв.м.	53 669 700
6.	1-қават	17 кв.м.	6 206 700	18.	1-қават	65 кв.м.	23 731 500
7.	1-қават	24 кв.м.	8 762 400	19.	2-қават	434 кв.м.	158 453 400
8.	1-қават	72 кв.м.	26 287 200	20.	2-қават	141 кв.м.	51 479 100
9.	1-қават	121 кв.м.	44 177 100	21.	2-қават	219 кв.м.	79 956 900
10.	1-қават	81 кв.м.	29 573 100	22.	2-қават	72 кв.м.	26 287 200
11.	1-қават	27 кв.м.	9 857 700	23.	2-қават	1004 кв.м.	366 560 400
12.	1-қават	16 кв.м.	5 841 600	24.	2-қават	76 кв.м.	27 747 600

Биржа савдолари ҳафтанинг шанба ва акшанба кунларидан ташқари ҳар кун "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: www.tshmbm.uz;

Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Спорт

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Яқинда Қозғистоннинг Семи-палатинск шаҳрида таэквандо бўйича халқаро турнир уюштирилди. Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан ташриф буорган кўпгаб мохир таэквандочилар иштирок этган ушбу нуфузли мусобақадан Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 18 та медални кўлга киритиб, ўз Ватанларига ёруғ юз билан қайтишди. Мамлакатимиз спортчиларининг деярли ҳар бири соврилни ўринларни кўлга киритгани қувонарли ҳолдир. Айниқса, иқтидорли таэквандочиларимиздан Алла Ким, Лаура Шахимбетова, Отабек Зиёдов, Зиёда Ўсупова, Хотамжон Каримов, Фарход Рустамов, Сардор Содиковларнинг олтин, кумуш медаллар эгаларига айлангани уларнинг юксак иқтидоридан дарак беради. Дарвоқе, юртимизга ёруғ юз билан қайтган таэквандочиларимиз келгуси халқаро мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида машғулот йиғинларини бошлаб боришди.

МОСКВАДАН ХУШХАБАР

Россия Федерацияси пойтахти Москвада бадий гимнастика бўйича уюштирилган халқаро турнир ўзбекистонлик спортчиларга омад келтирди. Кўпгина Европа ва Осиё китъаси мамлакатлари бадий гимнастикачилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз Трофимовага олтин медалга насиб этган бўлса, Алимова, Жўраева ҳамда Исроиловалар учинчи ўринга лойиқ деб топилди ва бронза медалларини кўлга киритишди.

СПАРТАКИАДА МУСОБАҚАЛАРИ

Мамлакатимизда Истиқлол шарофати туфайли спортни оммалаштиришга жиддий эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол. Буни турли корхона, ташкилот ва муассасаларда уюштирилаётган спорт мусобақалари ҳам яққол исботлаб турибди. Зеро, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Куни кеча Тошкент халқаро аэропоти ходимлари ўртасида спартакиада мусобақалари уюштирилди. Ушбу мусобақаларда 12 жамоа спортнинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, югуриш, узунликка сакраш турлари бўйича беллашиб голиблик учун кескин кураш олиб боришди. Югуриш мусобақаларида Баходир Ҳошимовга тенг-келадиган рақиб топилмади. Стол тенниси баҳсларида Михаил Колесов барча рақибларидан кўра чақонроқ, маҳоратлироқ эканлигини исботлади. Спортнинг бошқа турлари бўйича уюштирилган беллашувларда ҳам голиблар аниқланиб, спартакиада якунида уларга эсдалик совгалари тўхфа этилди.

Акбар Йўлдошев

Халқимизнинг ўзига хос бир олати бор: кўлида анча-мунча пули бўлса-да, бозор ва дўкондан арзонроқ буюм ёки маҳсулот сотиб олиш пайда бўлади. Бунга эришса, қувончи еру кўкка сигмай кетади. Аммо, яхши мол арзонга сотилмаслигини унутган бу каби истеъмолчиларимиз харид қилган буюми бироз вақт ўтиб, сифатсиз эканлиги кўриниб қолса, ишлаб чиқарувчи-ю сотувчининг бу қилмишидан қанчалик асаблари тараңлашини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак.

Дарвоқе, истеъмолчи нега чув тушмоқда? Уларнинг турли хил иқтисодий макр-ҳийлаларнинг қурбони бўлиб қолаётганига сабаб нима? Аввало, шунини айтиш керакки, айрим «сохта талбиркорлар»нинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари сабаб контрабанда йўли билан юртимиз бозорларига сифатсиз маҳсулотлар кириб келмоқда. Бу табиийки, иқтисодиётимизга катта моддий зарар етказмоқда.

Яқинда Юнусобод туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан «Уч қахрамон» блок постидан ўтиб, елдек учиб бораётган давлат рақами «11 V 17-87» бўлган «Дамас» русумли автомашина тўхтатилади. Маълум бўлишича, автомашинадаги энг «сара» маҳсулотлар фуқаро Б.Тўлагановага тегишли экан. Аммо «Дамас»даги жами 5 турдаги 740 дона кийим-кечакларнинг на мувофиқлик сертификати, на божхона декларациялари расмийлаштирилганлиги ҳақидаги ҳужжати бор.

Ёки бошқа мисолни олиб

кўрайлик. Худди шу постда фуқаро И.Эргашбоевага тегишли давлат рақами «11 F 99-75» бўлган «Москвич—412»

олиб келинишини қораламоқчи ёки чекламоқчи эмасми. Кимки, белгиланган қонун-қондаларга риоя қилган ҳолда

Қилмиш-қидирмиш
ИСТЕЪМОЛЧИ НЕГА ЧУВ ТУШМОҚДА?

русумли автомашина тўхтатиб, текширилганда барча ҳайратдан ёқа ушлади. Машинада ўзини «талбиркор» деб танитган Х.Абдуллаевага тегишли бўлган ҳеч қандай ҳужжатсиз икки турдаги 3270(!) дона трактор эҳтиёт қисмлари борлиги фож этилди.

Бу каби мисолу далиллар кўп. Табиийки, «сохта» талбиркорлар шунга яраша ўз қонуний жазосини ҳам олмоқда. Яъни, тегишли ҳужжатлар: божхона декларацияси ҳамда мувофиқлик сертификати бўлмаганлиги учун уларнинг барча товарлари суд томонидан давлат фойдасига мусодара қилинмоқда. Бироқ, биз бу билан четдан товарлар

бу иш билан шуғулланмоқчи бўлса, унга чегаралар ҳамина очқч. Лекин, юқорида номлари зикр этилган кимсалар мамлакатимиз ичкарисига олиб ўтган ёки олиб ўтмоқчи бўлган товарларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Бу билан «мен талбиркорман» деб кўлини кўкрайига, урганлар аслида ҳам иқтисодиётимизга, ҳам соғлигимизга зиён етказмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг бу ҳақдаги қарорларининг ижро этилиши икки хил манзарани юзага келтирди. Биринчиси, товарларни яширин равишда импорт қилиб, яроқсиз маҳсулотларни сотиб, мўмай даромад кўраётган бир гуруҳ «талбир-

кор»лар учун сичқоннинг уйи минг тангага айланди. Бундай кимсалар қонун ижрочилари олдида талва-сага тушиб қолдилар. Иккинчиси эса бунинг бутунлай тескарисидир, яъни, ҳукуматимиз томонидан қонунбузарликка қарши чора-тадбирлар кўрилиб, соғлом рақобат пайдо бўлаётганидан мамнун бўлган кишилар тоифасидир.

Шунинг учун ҳам республикада ўз ички бозорини, миллий валютани ҳимоя қилиш, савдо даражасини ошириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича режалар ва кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айнан шу боисдан мамлакатимиз сизу биздан, биринчи навбатда, талбиркорларимиздан аввало ўзларига, кейин жамият ва давлатга қатта фойда олдир келадиган амалий ишларни кутмоқда. Иймони бут, ўзини шу юртининг фарзандидан деган киши, ишонимизки, худди шундай иш тутарди.

Тўлқин КОМИЛОВ
Юнусобод туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши кураш бўлими бошлиғи ўринбосари.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

17—23 ноябрда

Бугун— Алишер Навоий номидаги санъат саройида режессёр Л. Саъдуллаевнинг «Мунис онам» янги бадий фильм премьераси соат 11.00, 14.00, 18.00 да намойиш этилади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрида С.Имомов асари «Сойибхўжа операцияси» спектакли соат 18.00 да бошланади.

18 ноябрда:
● Ўзбек Миллий академик драма театрида А.Ориповнинг асари «Пири коинот» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

● Ўзбекистон Ёшлар театрида Ф.Фулмон асари «Шум бола» спектакли соат 11.00, 13.00 да бошланади.

19 ноябрда:
● Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида «Тўмарис» балети соат 18.00 да намойиш этилади.

● Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Яратган ёмондан асрадин» спектакли соат 15.00 да бошланади.

20 ноябрда:
● Йўлдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Учар табиб» спектакли соат 14.00 да намойиш қилинади.

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрида Р.Азизхўжаев ва Х.Муҳаммад асари «Кувёлар танлови» спектакли соат 18.00 да бошланади.

21 ноябрда:
● Ўзбек Миллий академик драма театрида Й.Муқимов ва Х.Расулов асари «Муқаддас тахтизар» («Спитамен») спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

● Республика кўғирчоқ театрида «Олтин қалитча» спектакли соат 10.00, 12.00 да бошланади.

22 ноябрда:
● Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида «Кармен» операси соат 17.00 да намойиш қилинади.

● Ўзбекистон Ёшлар театрида «Маликаи Турандот» спектакли соат 17.00 да бошланади.

23 ноябрда:
● Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрида С.Имомов асари «Суперқайнона-2» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қаллиқ ўйини» спектакли соат 18.00 да бошланади.

ҚАҲҚАҲ

Эр-хотин почта қутисидан машҳур хонанданинг концертига иккита билет ва бир парча қоғоз топиб олишди. Қоғозга: «Кимдан эканлигини топинг» деб ёзилган.

Бахтиёр эр-хотин концертдан келиб қарашса, уларини шип-шийдон қилиб кетишибди. Шафга ёпиштирилган қоғоз ва ундаги: «Энди билдингизми, билет кимданлигини!» деган ёзув қолибди, холос!

Хиёбондаги ўриндикда бир отахон ўтирволиб кўз ёши тўкармиш. Ўткинчи унга тасалли бериб, сўрабди:

— Нима бўлди сизга?
— Ёшим етмишда, — дебди чол, — уйда 25 яшар гўзал хотиним қолган. Мени жуда ҳам севади.

— Уйга боринг бўлмаса.
— Уйим қаердалигини эсимдан чиқариб қўйдим.

Болалар дўхтирига бир эркак кириб маслаҳат сўрабди:

— Хотиним сафарга кетган эди. Болани ташлаб кетди. Биласизми икки-уч кунда озиб кетди бола бечора. Бўлмаса ота-бола сайр қиламиз, силаб-сийпайман, гимнастика қиламиз, чўмилтираман...

— Унга қанақа овқат беряпсиз?

— Паришхотирлигим курсин, доим бир нарса унутиб қўяман...

Она қизига илтифот билан деди:

— Сенга илтифот қиладиган йигит борку, менга шунчалар ёқмайдики! Жон деб унга қайнона бўлишга тайёрман.



Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар қўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
услуви босилган.
5409 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-райдани билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамайти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-маъбада акциддорлик компанияси босмаханона. Корхона манзили: «Буюк Турон» қўчаси, 41-й.